

**ЛКБ муҳандис конструкторининг  
технология бўйича имтиҳон саволлари.**

1. Кимё нимани ўргатади?
2. Табиатда газ ҳолатида учрайдиган қандай элементлар мавжуд?
3. Табиатда моддаларнинг қандай агрегат ҳолатлари мавжуд?
4. Масса, ҳажм ва юзанинг ўлчов бирликлари.
5. Босимни ўлчаш учун қандай ўлчов асбоблари ишлатилади?
6. Чизмаларда диаметри, баландлик ва кенглик белгиларининг белгиланиши.
7.  $1\text{ м}^3$  идишга қанча сув сиғади?
8. Босим, ҳарорат ва масса учун ўлчов бирлиги.
9. Юзанинг ўлчов бирлиги.
10. Ректификация жараёни нима?
11. Катализатор деб нимага этилади?
12. Аммиак, карбамид, аммиакли селитра ва турли кислоталарнинг кимёвий формулалари.
13. Қурилмани ёки унинг иш режимини тавсифловчи қиймат бу ...?
14. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий материаллар қандай номланади?
15. Кислотали муҳит учун рН қиймати.
16. Иссиқлик алмаштиригичларнинг вазифаси.
17. Эритмадаги модданинг таркибини тавсифловчи миқдор қандай номланади?
18. Коррозия нима?
19. Хом ашёдан тайёр маҳсулот олиш учун маълум бир кетма – кетликда амалга ошириладиган операциялар тўплами- бу ...?
20. Нейтрал муҳит учун рН қиймати.
21. Мутлақ босим нима?
22. Қувур линиясидаги суюқлик ҳаракатланиш режими нимага боғлиқ?
23. Газ ёки суюқ фазадан таркибий қисимларни қаттиқ абсорбер билан ютиш жараёни қандай номланади?
24. Иссиқлик чиқиши билан содир бўладиган реакция қандай номланади?
25. Суюқ абсорбер томонидан газни ютиш жараёни қандай номланади?
26. Металлмас материаллар.
27. Қувурларда суюқликларнинг ҳаракати қандай амалга оширилади?
28. Сарфни ўлчаш учун нима қўлланилади?
29. Иссиқликнинг ютилиши билан борадиган реакциялар қандай номланади?
30. Нисбий нолдан паст босим нима деб этилади?
31. Манометр одатда қандай босимни ўлчайди?
32. Ускуна бу- ...?
33. Машина бу- ...?
34. Қайси қурилма механик жараёнларни амалга ошириш учун мўлжалланган?
35. Чизма ва уларда қўлланиладиган шартли белгиларни ўқиш.